

**KUDRATOV SHUKHRAT  
YODGOROVICH**



Bukhara State University  
Senior Lecturer of the  
Department of Archeology and  
History of Bukhara (PhD)

*Published Under Peer Review:*  
*Doctor of Science in History,*  
*Associate Professor*  
**Farrukh Temirov,**  
*Uzbekistan*

**TRADE CENTERS AND ENTREPRENEURSHIP IN  
THE BEKS OF THE EMIRATE OF BUKHARA**

**ТОРГОВЫЕ ЦЕНТРЫ И  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В БЕКСТВАХ  
БУХАРСКОГО ЭМИРАТА**

**БУХОРО АМИРЛИГИ ТАСАРУФИДАГИ  
БЕКЛИКЛАРДА САВДО МАРКАЗЛАРИ ВА  
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ**

**Abstract.** This article covers information about the administrative division of the Bukhara Emirate into beikdoms, the appointment of beiks by the Emir, the number of population of the city, taxpayers, relocation of population, control of the economic system by the bek. Nevertheless, the information about trade centers and entrepreneurship on the territory of bekimates of the emirate, especially about the development of different spheres of gardening, plant breeding, handicrafts is thoroughly analyzed.

**Keywords:** trade center, merchant, buyer, bekstvo, trade stalls, mediator, entrepreneur, kunov, dried fruits, chorsu, alacha, products.

**Аннотация.** В данной статье освещена информация об административном делении Бухарского эмирата на бекства, назначении бексов эмиром, количестве населения города, налогоплательщиках, переселении населения, контроле системы хозяйства беком. Тем не менее, тщательно проанализированы сведения о торговых центрах и предпринимательстве на территории бекств эмирата, особенно о развитии разных сфер садоводства, селекции растений, ремесленничества.

**Ключевые слова:** центр торговли, торговец, покупатель, бекство, торговые лавки, посредник, предприниматель, кунов, сухофрукты, чорсу, алача, продукция.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниши, бекликларнинг маъмурий бошлиғи бек ҳисобланиб амир томонидан тайинланганлиги, шаҳар аҳолисининг сони, солиқ тўловлари, аҳолининг кўчиши, хўжалик тизими бек томонидан назорат қилиб турилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган. Шу билан бирга амирлик тасарруфидаги бекликларда савдо марказлари ва тадбиркорлик фаолияти, айниқса тадбиркорликнинг боғдорчилик ниҳолчилик хунармандчилик турлари ривожланганлиги атрофлича таҳлил қилиб берилган.

**Калит сўзлар.** Савдо маркази, савдогар, харидор, беклик, савдо дўконлари, воситачи, тадбиркор, кўнов, курук мева чорсу, алача, мағсулот.

**Кириш (Introduction)**

Бухоро амирлигидаги савдо марказлари ҳамда бозорларда хунармандлар томонидан тайёрланган барча буюмлар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, маҳаллий ҳамда хорижлик савдогарлар маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сотувга олиб

Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

чиқилганлиги сабабли доимо харидоргир эди. Нафақат пойтахт ва унинг атрофларида балки барча бекликларда савдо марказлари фаолияти яхшигина йўлга қўйилган эди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review)**

Бухоро амирлиги тасарруфидаги бекликлардаги савдо марказлари ва тадбиркорлик тўғрисидаги маълумотларни тарихчи олимлар ва сайёҳлар Шодиев Ж, Бернс А, Н.А.Маев, Ханьков Н.В, Пармонов, Петровский Н, Искандаров Б.И. каби муаллифларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Улар томонидан қайд этилишича, Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан 28 та бекликдан иборат бўлиб, Сарижўй беклиги Амир Абдулаҳадхон даврида Ҳисор беклигига қўшиб юборилгач, 27 тани ташкил этган [1]. Бекликларнинг маъмурий бошлиғи бек (ҳоким) ҳисобланиб, амир томонидан тайинланган. Маълум ҳудуддаги бутун ҳокимият унга бўйсунган. Бухоро амирлиги вилоятлари амир томонидан тайинланган беклар томонидан бошқарилган. Бек томонидан тайинланган ходимлар шаҳарнинг бошқарувиغا, назоратига тўлиқ жавобгар ҳисобланганлар. Шаҳар ва кентлар чегараси ҳамда номи Бухоро амири ҳамда бекнинг руҳсатисиз ўзгартирилмаган. Шаҳар аҳолисининг сони, солиқ тўловлари, аҳолининг кўчиши, хўжалик тизими бек томонидан назорат қилиб турилган [2].

#### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Тадқиқот иши тарихийлик тамойили хронологик ва қиёсий таҳлил усулларига таянади.

#### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and Results)**

Бу даврда Қарши йирик савдо шаҳри бўлиб, кўрғоннинг барча кўчаларида савдо дўконлари бўлган, лекин уларнинг аксарияти шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган. XIX аср охирларида Қарши ҳокими Ҳайдар Тўра кўрғондан ташқарида савдо дўконларини қуришни тақиқловчи фармон чиқарган. Унга асосан, барча савдо дўконлари кўрғондаги бозорда қурилиши керак эди. Бироқ, Қарши шаҳар аҳолиси тобора кўпайиб, шаҳар кенгайиб кетганлиги учун, бу фармон ўз кучини йўқотган. Аста-секин кўрғон атрофида ўз бозорларига, савдо дўконларига эга бўлган янги шаҳар қад ростлаган, кўрғон эса “Эски шаҳар” номини олган. Қарши майдони жиҳатдан Балх ва Самарқанддан каттароқ бўлиб, катта бозорларга ва кент савдо қаторларига эга бўлган [3]. Ғузур беклиги амирликнинг анча қулай бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, иқтисодий географик имкониятларга эга бўлган. Беклик марказида йирик қарвонсарой жойлашган ва у савдогарлар учун қўнов вазифасини бажариш билан бирга йирик савдо-сотик маркази ҳам бўлган.

Ғузур ва Қарши шаҳарларида тадбиркорликнинг боғдорчилик, ниҳолчилик тури ҳам анча тараққий этган бўлиб, янги узум навлари яратилган ва кўчатзорлар ташкил қилинган. Жумладан, Москва номли узум нави кўчатлари Ғузурдан Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳам етказиб берилган. Шунингдек, Ғузурда ҳунармандлар ер ости қазилмаларини қазиш ишларини ҳам йўлга қўйганлар. Улар бекликдан 8 верст узоқликда жойлашган ер ости бой конларидан турли рудалар – кварц, кўрғошин, мармар қазиб олганлар ва улардан турли хил

зарурий буюмлар тайёрлашда фойдаланганлар. Беклик худудида арчазорлар ҳам кўп бўлиб, Қарши ва Ғузур шаҳри бозорларида қурилиш материаллари сифатида асосан арча ёғочлари сотилган. Ғузур савдогарлари йирик иқтисодий марказлар Шеробод ва Шаҳрисабз шаҳарлари билан доимий савдо-сотик муносабатларини олиб борганлар. Бу даврда Шерободнинг савдо мавқеи юқори бўлиб, савдогарлар учун кўплаб савдо расталари ташкил этилган [4]. XIX асрнинг охирида бекликларда, хусусан, Ғузурда тараққий этган соҳалардан бири қуруқ мева тайёрлаш эди. Боғдорчилик соҳаси вакиллари хорижга экспорт қилиш ва ички бозорни қуруқ мевага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзи етиштирган маҳсулотларни қуриштириш ишларини йўлга қўйган. Бекликларда қуриштиришга мўлжалланган узумнинг 13 хили, ўрикнинг 3 хили, олма 8 хил навлари экилган [5].

Китоб беклигида тадбиркорликнинг савдо соҳаси анча тараққий этган бўлиб, Китоб шаҳрида ҳафтанинг сешанба ва шанба кунлари махсус бозорлар ташкил этилган. Китоб бозори ўзининг катталиги жиҳатидан Шаҳрисабз бозоридан кейин иккинчи ўринда турган. Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида буғдой, арпа, шולי ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилган. Шаҳар аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида Китоб ва Шаҳрисабзда савдо-сотик ишлари яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Китоб беклигига қарашли кичик шаҳарларда Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарлари савдогарлари томонидан савдо-сотик ишлари олиб борилган. Масалан, Жума (жума), Бобоарслон (чоршанба), Қалқама шаҳарларида (якшанба) кунлари бозорлар гавжум бўлиб, аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотлар сотилган. Бу даврда Китобда ҳокимлик қилган Бекназарбек савдогарлар учун махсус Чорсу куради ва бу ерда ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунларида бозор ташкил қилади [6]. Маҳаллий ҳукумат томонидан савдогарлар учун яратилган қулайликлар ва аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотлар савдосининг ташкил қилиниши сотувчилар ва харидорлар учун фойдали бўлган.

Шаҳрисабз Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган бекликлардан бири бўлиб, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлигига бўйсунувчи иқтисодий марказ сифатида танилган [7].

Шаҳрисабз беклик маркази Шаҳрисабз шаҳри бўлиб, у девор билан ўраб олинган ва Кунчиқар, Чармгар, Қўшхона, Қалмоқ, Арк дарвозалари орқали шаҳарга кирилган. Ушбу дарвозалар ёнида четдан келган савдогар билан савдо-сотик ишлари олиб борилган. Шаҳрисабзлик тадбиркорлар томонидан турли маҳсулотлар савдосига мослаштирилган бозорлар қурилган бўлиб, кўрилган фойдадан маълум миқдорда амир хазинаси учун солиқ ундирилган. Жумладан, шаҳрисабзлик Жўрабек савдогарга тегишли “Тағижой” хусусий савдо расталаридан амирлик хазинасига ҳар куни 2-6 танга олтин миқдорда тўлов олинган [8].

Бухоро ва Самарқанд савдогарлари Шаҳрисабз аҳолисини мунтазам равишда гуруч, қуруқ мева, ғалла, пилла, арпа, жун, ошланган тери, тўқилган чарм маҳсулотлари, темир ва темир буюмлари билан таъминлаб турганлар. Бухоро деҳқонлари ҳамда хунурмандлари томонидан тайёрланган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар Шаҳрисабзда доимо харидоргир бўлган.

Ўша даврда амир, беклар ва йирик амалдорлар томонидан доимий фойда келтирувчи кўчмас мулк объектлари барпо этилган бўлиб, бу бекликларда ҳам йўлга қўйилган эди. Жумладан, Шаҳрисабз беги Бобобекнинг 2 та хусусий ҳаммоми, 7 та карвонсаройи, бир нечта мактаблари ҳамда меҳмонхоналари мавжуд эди [9].

Бухоро амирлигидаги марказий бозорлар билан Шарқий Бухоро бекликлари ўртасида Қарши шаҳри воситачи вазифасини бажарган. Қарши беклигида иккита бозор бўлиб, биринчиси шаҳар қалъасининг шимолий-ғарбий қисмида, иккинчиси эса шаҳар деворининг ташқарисида Чирокчига элтувчи йўлда жойлашган бўлган. Шаҳар бозорларидаги 1400 дўконда маҳаллий ва четдан олиб келинган маҳсулотлар Бухорода бўлганидек алоҳида-алоҳида сотилган [10]. Бу дўконларда ҳафтада бир марта бўладиган асосий савдо-сотикқа 10-15 минг киши гиламлар, хуржунлар, мешлар, бўз ва алача каби турли молларни сотиш ва харид қилиш учун келган. Шаҳар бозоридаги ҳар бир савдо кунда 2 минг рубллик алача 5 минг рубллик атлас сотилган.

Атлас ва шойи тўқиш шу даражада тараққий этганки, одамларнинг ҳамда масжид ва мадрасаларнинг ҳовлиларигача тут ниҳоллари кўрилиб олинадиган пилланинг деярли ҳаммаси шаҳарнинг шойи ва атлас тўкувчилари томонидан қайта ишланиб тайёр маҳсулотга айлантирилган. Фақат озгина миқдордаги пиллагина Бухорога жўнатилган [11]. Умуман, Қарши бозорлари амирликнинг ички ва ташқи савдосида марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Бу ерда араб ва туркман чорвадорларининг моллари гилам, палос, хуржун, от ёпингичи, Ҳисор алачаси, Қоратоғ ва Ҳисорнинг пичоқ ҳамда қиличлари, Шеробод пахтаси, Ҳиндистоннинг чой ва нил бўёғи, Афғонистоннинг йилқи ва кўйлари ўз харидорини топган. Мана шу савдо сотик боис Қарши йилдан йилга ривожланиб борган [12].

XIX асрнинг охирида амирликнинг ички савдосида Шаҳрисабз шаҳри ўз савдо иқтисодий мавқеига кўра учинчи ўринни эгаллаган. Шарқий Бухоро бекликлари орасида ривожланган хунармандчилик ишлаб чиқаришга эга бўлган. Китобнинг маҳсулотлари тоғлик аҳоли моллари шунингдек Самарқанд Ургут Бухоро молларининг савдоси ҳам Шаҳрисабз бозорида бўлиб ўтган. Натижада шаҳар аҳолиси таркибида маҳаллий савдогарлар кўпчиликини ташкил этган. Улар орасида амирликнинг бошқа шаҳарлари билан савдо қилувчи Шаҳрисабз бегининг нуфузи баланд эди.

Китобнинг ҳам ипаги Шаҳрисабз бозори орқали Самарқандга жўнатилган. Шунинг учун Шарқий Бухорода Шаҳрисабз савдо марказларидан бири Китоб ва Шаҳрисабз бозорининг юқори мавқеини ўз хунармандчилик моллари билан таъминловчи марказ сифатида кўпроқ машҳур бўлган.

Бухоро амирлигининг жанубий-шарқий бекликлари географик жиҳатдан қулай ҳамда табиий бойликларга бой ҳудудлардир. Йирик савдо марказлари бозорлар шу ҳудудларда яъни Қарши, Термиз шаҳарларида жойлашган. Амирлик тасарруфидаги Қарши бозори марказий бозорлардан бири бўлган. Манбаларга кўра, Қарши, Ғузор шаҳарларига шарқий Бухородан йилига 7-8 мингдан ортиқ туяларда гуруч, буғдой, кунжут, зиғир, тарик ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган [13]. Бухоро ва Қарши шаҳарларида аҳоли истемоли учун зарур дон маҳсулотлари захираси кўплаб сақланган. Бу бозорлардан ташқари Ғузор, Денов,

Шеробод шаҳарларида ҳам дон маҳсулотлари бозорлари бўлиб, уларга дон ва бошқа ғалла маҳсулотлари атрофдаги қишлоқлардан олиб келинган.

Термизда XX аср бошларига келиб 20 тадан ортиқ бозор бўлиб, энг каттаси Паттакесарда (Термиз) жойлашган. Бу ерга Бухородан ташқари чет давлатлардан ҳам кўплаб моллар олиб келинган. Амирликда қолаверса Сурхон воҳасида Бойсун, Дарбанд, Дашнобод ва бошқа бозорлар жанубий бекликларда аҳамиятли бозорлар ҳисобланган. Бекликда бозорлар белгиланган кунларда ҳафтасида 2 кун ишлаган. XIX аср охирларида Ғузур бозори чорва молларини сотиш ва сотиб олишда энг катта бозор ҳисобланган [14]. Масалан, Бухоро шаҳри қорақўл тери, чой ва рус маҳсулотлари Ғузур, Қарши, Шеробод дон маҳсулотлари ва чорва моллари сотиладиган марказга айланди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Кармана, Шаҳрисабз, Ғузур, Чирокчи, Қарши, Термиз шаҳарлари иқтисодий жиҳатдан муҳим марказлар бўлиб, савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривожланган эди. Бухоро амирлигининг шимолий қисмидаги бозорлардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларининг нархлари жанубий қисмига нисбатан фарқ қилган. Жанубдаги бозорларга масалан Шеробод, Термизга кўпроқ четдан (Хива, Россия, Афғонистон, Ҳиндистон) маҳсулотлар сотилган бўлса, шимолий қисмидаги бозорларда эса четдан келтирилган маҳсулотлар кам бўлган

#### **Хулоса ва таклифлар (Conclusion)**

Хуллас, темир йўл тармоқлари қурилгандан сўнг Бухоро амирлиги ҳудудига Россия маҳсулотларининг кириб келиши бир неча барабар кўпайиши, бекликлардаги савдо-сотик ҳамда тадбиркорлик соҳасига ўз таъсирини кўрсатган. Товар мунособатлари савдо сотик ва тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида ҳар бир шаҳар савдо марказига айланди.

#### **ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES)**

1. Maqsud, B. (2021). Buxoro bozorlari. *panjakent-2021. treasury of*.
2. Beshimov, M. (2020). BERUNIY “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKLAR” ASARINING AHAMIYATI. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 6(2)*.
3. Beshimov, M. (2021). ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 6(6)*.
4. Beshimov, M. (2022). ABDULVAHID MUNZIM-ENLIGHTENED POET, STATE AND PUBLIC FIGURE. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 2(6), 52-56*.
5. Бешимов, М. К. (2022). MUNZIM ZAMONDOSHI AYNII XOTIRALARIDA: Beshimov Maqsud Komilovich, Buxoro tarixi kafedrası o‘qituvchisi, Buxoro Davlat Universiteti. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (6), 15-17*.



6. Beshimov, M. (2022). MANG 'ITLAR DAVRIDA BUXORODA MADANIY HAYOT (me'morchilik, adabiyot va san'at). *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 20(20).
7. BESHIMOV, M. (2022). Amir Said Alimkhan and Young Bukhara residents. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(2), 78-83.
8. Beshimov, M. (2021). Mang'itlar davrida Buxoroda madaniy hayot. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 7(7).
9. Beshimov, M. (2022). ABDULVAHID MUNZIM-ENLIGHTENED POET, STATE AND PUBLIC FIGURE. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(6), 52-56.
10. Rajabov, O. I. (2022). HISTORY OF FORTRESS OF MAKHMUD TOROBI. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(6), 50-54.
11. Rajabov, O. (2021). CHOR BAKR TARIXIY ME'MORIY MAJMUASI XUSUSIDA. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).
12. Iskandarovich, R. O. (2022). Historical Architectural Complex of the Chor (Pers. Four) Bakr Ensemble. *Telematique*, 6886-6890.
13. Rajabov, O. (2020). Qizbibi va Hazrat Bibi manzilgozlari muqaddas qadamjo sifatida. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
14. Iskandarovich, R. O. (2022). Historical Architectural Complex of the Chor (Pers. Four) Bakr Ensemble. *Telematique*, 6886-6890.
15. ISKANDAROVICH, R. O. (2021). BUKHARA ISLAMIC SCHOLARS VIII-XII CENTURIES. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(4), 42-48.
16. Iskandarovich, R. O. (2022). Historical Architectural Complex of the Chor (Pers. Four) Bakr Ensemble. *Telematique*, 6886-6890.
17. Темиров, Ф., & Умаров, Б. (2021). БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ. *Scientific progress*, 2(1), 1201-1207.
18. T. F., & UMIDA, X. (2022). PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(1), 26-31.
19. Темиров, Ф., & Исломов, Д. (2021). САДРИДДИН АЙНИЙ-ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА. *Scientific progress*, 2(1), 1349-1354.
20. Темиров, Ф., & Халикова, Н. (2021). БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН. *Scientific progress*, 2(1), 1276-1282.
21. Sherzod O'ktam o'g, N. (2023). TARIXCHI OLIM PO 'LAT SOLIYEV ILMIY ME'ROSIDA TURKISTON TARIXIGA OID AYRIM MASALALAR. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(7), 1283-1290.
22. Nosirov, S. (2022). BUXORO AMIRLIGI MAORIF TIZIMIDA YANGI USUL-JADID MAKTABLARINING FAOLIYATI (S. AYNIIY XOTIRALARI ASOSIDA). *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 26(26).

23. Nosirov, S. (2022). Sadriddin Ayniy asarlari buxoro inqilobini tarixini o'rganuvchi manba sifatida. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 26(26).
24. Nosirov, S. (2022). SADRIDDIN AYNIYNING 1917-1920-YILLARDAGI TARIXIY JARAYONLAR BORASIDAGI QARASHLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 26(26).
25. Nosirov, S. (2022). САДРИДДИН АЙНИЙ–АХМАД ДОНИШ ҲАҚИДА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 26(26).
26. Mubinov Muhammadali. Foreign trade relations of the Bukhara emirate.// EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. Volume 1 Issue 8, November 2021. –P.287-290.
27. Мубинов М.А. Культурные аспекты жизни и специфические качества ремесла Бухарского эмирата и русско-европейское влияние на эмират (в XIX-XX веках). International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 2 Issue: 02 | 2022 ISSN: P – 2181-2306, E – 2181-2314. –С.176-179.
28. MUBINOV M.A. Bukhara emirate at the center of trade and economic relations (based on the works travelers). // International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 2 Issue: 06 | 2022 ISSN: P – 2181-2306, E – 2181-2314
29. Komilovich, M. B., & O'g, N. S. O. K. (2023). Abdulvahid Munzim and Young Buharans. *Telematique*, 22(01), 1182-1185.
30. Темиров, Ф., & Умаров, Б. (2021). БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ. *Scientific progress*, 2(1), 1201-1207.
31. T. F., & UMIDA, X. (2022). PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(1), 26-31.
32. Темиров, Ф., & Исломов, Д. (2021). САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА. *Scientific progress*, 2(1), 1349-1354.
33. Темиров, Ф., & Халикова, Н. (2021). БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН. *Scientific progress*, 2(1), 1276-1282.
34. Bobojonova, V. (2022). IDIOMS AND THEIR IMPORTANCE. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(6), 573-576.
35. Бобожонова, Ф. Х. (2021). БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ. *Scientific progress*, 2(1), 362-366..
36. Bobojonova, F. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara. 2020. *B-213*.
37. Bobojonova, F. X. Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 2021. R-362-366.
38. Hayatovna, B. F. (2022). The Issues of Construction of the Bukharan Madrassas, Their Material and Organization of Their Activity. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(4), 1-11.

39. Бабаджанова, Ф. Х. (2022). БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1).
40. Umarov, B. V. O. (2022). SCIENCE, EDUCATION AND CULTURE DURING THE RULE OF THE SOMANIANS. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(6), 46-49.
41. UMAROV, B. (2022). ARCHITECTURE OF BUKHARA IN THE ASHTARKHANID PERIOD. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(2), 94-100.
42. Umarov B. БУХОРО ВОҲАСИ ТУРАР-ЖОЙЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 22. – №. 22.
43. BAXTISHOD, U., & ULUG‘BEK, Q. Y. (2022). MS ANDREEV-THE GREAT EASTERN SCIENTIST. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(3), 120-123.
44. Умаров, Б. Б. (2021). НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ. *Scientific progress*, 1(6), 1005-1009.
45. Умаров, Б. Б. (2021). НА КИСЛЯКОВ-ПОПУЛЯРИЗАТОР МУЗЕЕВ И ИСТОРИИ ТАДЖИКСКОГО НАРОДА. *Экономика и социум*, (11-2 (90)), 495-497.
46. Ravshanovich, S. D. (2022). CURRENTLY, THE PLACE OF AFGHANISTAN IN THE COMMUNICATION OF CENTRAL AND SOUTH ASIA. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(6), 55-59.
47. SHAROPOV, D. (2022). ПРАВИТЕЛЬ МАНГЫТОВ ЭМИР ХАЙДАР. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(2), 101-104.
48. Sharopov, D. R. O. G. L. (2021). ARAB XALIFALIGIDAN MUSTAQIL TONIRIYLAR DAVLATINING AJRALIB CHIQISHI. *Scientific progress*, 2(7), 817-820.
49. Qudratov Shuxrat, [05.05.2023 10:23]
50. Qudratov S. Qudratov Shuxrat БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
51. Qudratov Shuxrat, [05.05.2023 10:23]
52. Qudratov S. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
53. Qudratov Shuxrat, [05.05.2023 10:24]
54. Qudratov S. XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚОРАКЎЛ САВДОСИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
55. Qudratov Shuxrat, [05.05.2023 10:24]
56. Qudratov S. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.